

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЎЗБЕК ТИЛИНИ БИЛИНГИВИЗМ ШАРОИТИДА ЎҚИТИШНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

*Buranova Shaxista Menglibayevna,
Nukus DPI dotsenti*

Бугунги кунда билингвизм глобаллашув, миграция ва ахборотларнинг жадал алмашинуви, антропологияга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳамда жамоатчилик мунозараси мавзуси бўлиб, бу масала иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва таълим муаммолари олдида долзарб аҳамият касб этади. Икки тиллилик билингвизм деярли барча мамлакатларда, аҳолининг барча ёш қатламида мавжуд. Икки тиллилик муҳити барча мамлакатларда ҳам инсоният яралганидан бери мавжуд бўлган феномендир.

Билингвизмнинг кенг тарқалишига энг муҳим сабаб таълим ва маданият билан биргаликда аҳолининг яшаш шароити бойлашиш, турмуш тарзи, урф-одатлари сабабдир. Турли миллат вакиллари ўртасидаги оилавий муносабатлар тилларни ўқитиш ва бошқа ҳолатлар тил алоқасининг ривожига олиб келади. Бу феномен бошқаларига қараганда кўпроқ учрайди, шунинг учун, табиийки, дунё миқёсида сўнгги йилларда тилшунослик йўналишлари билингвизм доирасидаги тадқиқотларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Шу билан боғлиқ равишда билингвизм тил ўргатишни тадқиқ этиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари; 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур мақоламиз кайсидир маънода илмий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда ҳам қадимдан турли миллат вакиллариининг ҳамжиҳатликда яшаб келганликлари натижасида билингвизм ҳодисаси юзага келган. Қорақалпоғистон Республикасининг жуда кўп туманлари (Шоманай, Чимбой, Хўжайли, Тахётош, Беруний, Тўрткўл, Нукус шаҳри) икки тиллилик ва ҳатто уч тиллилик шароитида яшайди. Албатта бундай ҳолатга салбий омил сифатида эмас, балки ижобий омил сифатида қаралмоғи лозим. Чунки ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган туркий миллат вакили уларнинг таъсирида ўзбек тилини тезроқ ва пухтароқ ўзлаштириб оладилар, ва ўз фикрларини оғзаки ва ёзма шароитда баён қилишларида ҳам жиддий қийинчиликларга дуч келмайдилар. Билингвизм шароитида истиқомат қилувчи қорақалпоқ, қозоқ, туркман ўқувчиларининг сўз захираси ҳам фақат қорақалпоқлар истиқомат қидиган минтақалардаги ўқувчиларнинг сўз бойлигига қараганда анча кўп бўлади. Илмий изланишлар ва олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики масалан, ўқувчиларга ўзбек тилидаги гул номларини рўйхат қилиш, яъни уядошларини топиш каби нутқий компетенцияни шакллантиришга қаратилган соддагина топшириғини билингвизм шароитида истиқомат қиладиган мактаб ўқувчиларига топшириқ қилиб берилганда аксарияти қопрақалпоқ миллатига мансуб аҳоли (Қораўзақ, Тахтақўпир, Бўзатов) истиқомат қиладиган минтақалардаги мактаб ўқувчиларига топширилганга кўра анча юқори натижада бўлади, ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган ўқувчилар бу топшириқни 13-15 тагача етказган бўлсалар, соф қорақалпоқлар истиқомат қилувчи минтақаларда ўқувчилар гул номларини атига 7-8 тасини рўйхат қила олишдилар, халос. Бу нуксонни баргарф қилишнинг энг қулай йўли сўзлар талффузини қиёслаш, сўзнинг маънодошлари устида кўпроқ ишлашдир. Ўзбек тили (Давлат тили)ни ўқитишда қўйиладиган муҳим талабларидан бири саналмиш матн мазмунини тушуниш ва ўзгалар фикрини англаш ҳам билингвизм шароитида яшайдига ўқувчиларда анча осон кечади. Чунки ижтимоий зарурият туфайли улар мактабга келганга қадар ўзбек тилини кундалик фаолиятда ўрганадилар, натижада уларда бу тилдан фойдланиш малакалари таркиб топади. Биз бунга кўпроқ гап қуришда, гап ёки матн мазмунини ўзгартиришда, матн мазмуни асосида сўроқ гаплар ёки режа тузишда яққол кўришимиз мумкин. Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари фақат фонетик ва қисман лексик жиҳатдангина фарқланади. Морфологик ва синтактик жиҳатдан эса биз кескин фарқни учратмаймиз. Ўзбек тилида гап қуриш қолиплари қандай шаклга эга бўлса, қорақалпоқ тилида ҳам улар деярли шундай. Шунинг учун бундай ҳолатларда ҳам қийслаш усулидан фойдаланиш

маъқул. Ўқувчи ҳар икки тилдаги гапларни қиёслайди уларнинг бир хиллиги ёки ўхшашлигини аниқлайди.

Шундай қилиб, ўзбек тили ўқитувчиси дарс самарадорлигига эриши учун билингивистик шароитни ҳисобга олган ҳолда ҳар икки тилда сўзларнинг талаффузи, имлоси, маъноси ва қўлланилишини ҳисобга олиши лозим.

Бу жиҳатдан таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи баъзи лисоний фактларни қиёслаш кифоядир. Ўзбек тили сингормонизмининг заифлиги жиҳатидан фонетик тизимида олти унлилиги билан қорақалпоқ тилидан фарқ қилади. Мисоллар:

Ш>С Ўзбекча: беш, бешик, бешов, бўш, шамол, шоли, шум;
Қорақалпоқча: бес, бесик, бесеў, бос, самал, салў, сум.

Ч>Ш Ўзбекча: чигит, чегара, чалпак, пичоқ, пичан. Қорақалпоқча: шигит, шегара, шелпек, пишен, пишақ.

Х>Қ Ўзбекча: халта, хато, хом, хотин, хум. Қорақалпоқча: қалта, қате, қам, қатўн, қум.

Албатта, озбек тилини пухта ўзлаштириш инсон камолотини таъминлаш билан бирга бошқа фан соҳаларини ўзлаштиришда асосий воситадир. Чунки ҳар томонлама билим олиш учун оқувчи тўғри ўқиши, саводли ёзиши., нутқ маданияти малакаларини тўлиқ эгаллаши лозим. Фикрни мазмунли, аниқ ва хатосиз ифодалаш таълим олдиға қўйилган асосий вазифадир. Айниқса бу талаб халқнинг маданий савияси юқори поғонаға қўтарилган бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек тили дастурида адабий тил меъёрларини эгаллашға катта этибор қаратилган бўлса-да, ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқларидаги хатоларини тузатиш учун ўқитувчи бевосита дарс жараёнида ўзига хос ижодий услубни кашф этмоғи лозим. Ўқитувчи ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқидаги хатоларни бартараф қилишда ўз олдиға қуйидаги мақсадларни қўймоғи лозим. Биринчидан, ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқида учрайдиган хатолар ва уларнинг сабабини аниқлаш, иккинчидан, бу хатоларни тузатишнинг самарали методларни ишлаб чиқиш.

Бу вазифани амалға оширишда қуйидаги ишларға этибор қаратиш ўринли бўлади.

1. Ўқитувчи маҳаллий шеваларнинг асосий фонетик, лексик, грамматик хусусиятларидан хабардор бўлиши.

2. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқлар кўп учрайдиган хатоларни аниқлаш ва уларни бир тартибга солиш, уларнинг умумий қонуниятларини очиш учун таҳлил қилиш.

3. Ўқувчилар нутқидаги хатоларнинг сабабларини аниқлаш мақсадида махсус ёзма ишлар (диктант, баён, иншо ва бошқалар) ўтказилади.

4. Ўқувчилар нутқидаги хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида махсус муаммоли дарслар ташкил этиш

5. Саводхонликни ошириш ва нутқ маданияти кўникмаларини шакллантириш мақсадида турли техник воситалардан унумли фойдаланиш.

6. Хатоларни бартараф этиш мақсадида айрим ўқувчилар билан кўшимча индивидуал дарслар ўтиш. (2)

Ҳеч кимга сир эмас, ўқувчиларнинг юқори ўқув юртларига тест асосида қабул қилиниши улар билимини кенг қамровда текшириш имконини беради. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам мавжуд-ки, боланинг назарий билимларга катта эътибор қаратилгани ҳолда ёзма нутқ ўстириш масаласи иккинчи ўринда қолиб кетмоқда. Бу масаланинг муаммо тусини олмаслиги учун ўқитувчи болага дастлабки йилларданок тўғри ёзиш кўникмасини шакллантира бориши лозим.

Маълумки, қорақалпоқ тилининг ўзбек тилига ниҳоятда ўхшашлигидан ўқувчилар баъзан икки тилнинг қонун- қоидаларини аралштириб юборадилар. Бу ҳол бир қанча имловий хотоларга йўл қўйилишига олиб келади. “Айрим ундошларнинг ёзилиши”, “Келишиқ кўшимчалари”, “Феъл сўз туркуми” каби мавзуларни ўқитишда дарс қорақалпоқ тили билан боғлаб ўтилиши мақсадга мувофиқ. Ўхшаш ва фарқли томонларини ўқувчиларнинг ўзлари таққослаб топишига жалб қилиб ўргатилса, муаммони ижобий ҳал қилиш мумкин.

Ўзбек тилида:

Мактаб

-

Озод

-

Кетди

-

Суратга

-

Қорақалпоқ тилида

мектеп

азат

кетти

сувретге

Луғат билан ишлаш ҳам ўқувчининг чуқур билимга эга бўлишига, саводли ёзишга, тўғри сўзлаша олиш малака ва кўникмасининг шаклланишига жуда катта амалий ёрдам беради. Луғат билан ишлаш жараёни ўқув жараёни каби узлуксиз тарзда йил бўйи маълум бир тартибда ҳар бир дарснинг, мавзунинг мазмунига боғланган ҳолда олиб борилади.

Ўқитувчи ўқувчиларга луғатдан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш жараёнида синфда ҳамма сўзларнинг ёзилишини ўргатиши мумкин эмаслиги, мустақил тарзда машқлар бажарганда, иншо, диктант ёзганда ёзилишида иккиланаётган ёки умуман қийин сўзларни ўзлари луғатдан қараши мумкинлиди ҳақида тушунтиради Аммо ҳар бир сўзни луғатга қараб ёзишдан ҳимояланиш керак', чунки бундай ўқувчилар мустақил тўғри ёза олмайдиган бўлиб қолиши мумкин.

Бугунги кунда фанимизда бу борада анча ишлар амалга оширилди. Бирқанча илмий диссертациялар ҳимоя қилинди, дарсликлар яратилди, усулиётчи олимларимиз томонидан методик қўлланмалар яратилди. Лекин уларда бу ҳолат ҳисобга олинмаган. Бизнинг назаримизча ана шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ўқитувчиларимиз учун методик қўлланмалар яратиш фанимиз олдида ҳам усулиётчи олимларимиз олдида ҳам ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан биридир.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Shamsiyeva M.B. Bilingvizm va bilingval fenomeni // Materials of international scientific-practical conference on the theme: "Uzbek language development and problems of international cooperation. Tashkent, October 19-20, 2020. – Б. 118-122.
2. Sh.Buranova. Ta'lim qoraqalpoq tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitishning samarali usullari. Nukus, „Qaraqalpaqstan“ 2001 y
3. Bo'ronov M. O'zbek tilida o'qitishning ba'zi masalalari (Ta'lim o'zbek tilida olib borilmaydigan maktablarning 2-9-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma) Nukus, „Bilim“, 1999 y.
4. Худаярова, М. Т., Буранова, Ш. М., Юсупова, Г. А., & Сапарова, А. З. (2021). Қорақалпоғистон Худудида Яшовчи Туркий Халқлар Тилидаги Таом Номларининг Лексик Қатламлари. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 25-32.
5. Худаярова, М., & Usanova, Q. (2023). "BOBURNOMA"–TARIXIY MANBA SIFATIDA. Академические исследования в современной науке, 2(4), 24-27.
6. Худаярова, М. Т., Буранова, Ш. М., Юсупова, Г. А., & Сапарова, А. З. (2021). Қорақалпоғистон Худудида Яшовчи Туркий Халқлар Тилидаги Таом Номларининг Лексик Қатламлари. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 1(5), 25-32.
7. Худаярова, М. (2020). Qoraqalpog'iston o'zbek shevalaridagi taom nomlarining o'ziga xos xususiyatlari. TDPU ILMIY AXBOROTLARI.
8. Tajimuratovna, X. M. (2024). QORAQALPOG 'ISTON HUDUDIDAGI EKKLEZIONIMLARNING GRAMMATIK XUSUSIYATLARI. INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY, 2(3), 179-183.
9. Usanova, Q., & Худаярова, М. (2024). O'ZBEK, RUS VA QORAQALPOQ TILLARIDA FE'L SO 'Z TURKUMI. Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры, 4(3), 25-27.